

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Навоий вилояти ҳокимлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
**Кенгаши раиси**
Н.Тоғаева
17.02.2026 йил

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгашининг навбатдаги йиғилиши
БАЁННОМАСИ

2026 йил “17” февраль

Навоий шаҳри

Модератор:

Н.Тоғаева — Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик Кенгаши раиси

Қатнашдилар:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши
аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, давлат ва жамоат
ташкилотлари вакиллари, ННТлар, ОАВ вакиллари

Таклиф этилганлар:

Вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, иқтисодий ривожлантириш,
инвестиция, туризм, инфратузилма ва ижтимоий соҳалар
мутасаддилари

КУН ТАРТИБИ:

1-масала:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йилда Навоий
вилоятини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-58-сонли қарори мазмун-моҳияти ва унинг
ижросини ташкил этиш чоралари

2-масала:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган иш режасини кўриб чиқиш ва
тасдиқлаш тўғрисида

I. КИРИШ ҚИСМИ

Йиғилишни очиб берган раис Н.Тоғаева сўзга чиқиб,
мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли
фаровонлигини ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида
изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жумладан, Президентимиз томонидан қабул қилинган ПҚ-58-сонли қарор Навоий вилоятини янги босқичда ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжат экани қайд этилди.

Шунингдек, қарорда ҳудудларнинг ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, саноатни диверсификация қилиш ва янги ўсиш нуқталарини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгилангани таъкидланди.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

Тақдим этилган ахборотларда қарор доирасида қуйидаги йўналишларда амалга ошириладиган ишларга алоҳида эътибор қаратилди:

- Вилоятга 4,2 млрд доллар инвестиция жалб қилиш ва экспорт ҳажмини 1,5 млрд долларга етказиш;
- 2000 га яқин янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш;
- Алишер Навоий номидаги марказий боғ, “Ёшлик” кўли атрофини замонавий рекреацион ҳудудга айлантириш;
- Нурота, Томди, Учқудуқ ва бошқа ҳудудларда саноат ва туризмни ривожлантириш;
- 3,3 млн гектар ердан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш;
- Туризм соҳасида 600 минг хорижий ва 3 млн маҳаллий сайёҳни жалб қилиш;
- Ижтимоий инфратузилмани, жумладан ичимлик суви ва канализация тармоқларини янгилаш.

Шу билан бирга, қарор ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратининг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Муҳокамалар давомида иштирокчилар томонидан қуйидаги таклифлар билдирилди:

- Лойиҳалар ижросини жамоатчилик мониторинги орқали мунтазам баҳолаб бориш;
- Ҳар бир туман кесимида “ўсиш нуқталари” бўйича алоҳида йўл хариталарини ишлаб чиқиш;
- Инвестиция лойиҳаларида маҳаллий аҳоли иштирокини кенгайтириш;
- Туризм ва сервис соҳасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш.

III. 2-МАСАЛА БЎЙИЧА

Жамоатчилик Кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган иш режаси муҳокама қилиниб, қуйидаги асосий йўналишлар тасдиқлаш учун тақдим этилди:

1. Меҳнат ҳуқуқлари ва муносиб меҳнат мониторинги
2. Одам савдосига қарши кураш бўйича жамоатчилик назорати
3. Маҳалла тизими билан ҳамкорликда жамоатчилик назорати
4. Ёшлар ва хотин-қизлар масалалари
5. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя
6. Экология ва атроф-муҳит
7. Очиқлик ва рақамли жамоатчилик назорати

Иш режасига мувофиқ:

- эшитувлар ва мониторинглар мунтазам ташкил этилади;
- ҳар чоракда ҳисоботлар тақдим қилинади;
- жамоатчилик фикри асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

IV. ЯКУНИЙ ҚИСМ

Йиғилиш якунида Жамоатчилик Кенгаши томонидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. ПҚ-58-сонли қарор мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва унинг ижросини таъминлаш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш;
2. Қарор доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан жамоатчилик мониторингини йўлга қўйиш;
3. Ҳар бир соҳада аниқ натижаларга эришиш учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш;
4. Жамоатчилик Кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш;
5. Йил давомида амалга оширилган ишлар бўйича мунтазам равишда ҳисоботлар эшитиб бориш.

Жамоатчилик Кенгаши котиби:



М.Хамидов

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ 2026 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ИШ РЕЖАСИ (ЛОЙИҲА)**

**1-ЙЎНАЛИШ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МУНОСИБ МЕҲНАТ
МОНИТОРИНГИ**

№	Чора-тадбир (эшитув / мониторинг)	Амалга ошириш шакли	Муддати	Масъуллар
1	Меҳнат ҳуқуқлари бўйича жамоатчилик эшитуви	Очиқ эшитув	Ҳар ярим йилда	Бандлик бошқармаси, ҳудудий ҳокимликлар
2	Корхоналарда меҳнат шароитлари мониторинги	Жойига чиқиб ўрганиш	Ҳар чорак	Касаба уюшмалари, мақсадли ННТлар
3	Норасмий бандлик ҳолатларини ўрганиш	Социологик сўров	Йилига 2 марта	Жамоатчилик Кенгашлари, ННТ

**2-ЙЎНАЛИШ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ**

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
1	Хавф гуруҳлари бўйича мониторинг	Аналитик мониторинг	Ҳар чорак	ЖК, ИИБ, Маҳалла
2	Жабрланувчиларга хизматлар сифати эшитуви	Жамоатчилик эшитуви	Йилига 1 марта	ЖК, Ижтимоий ҳимоя органлари
3	Аҳоли хабардорлиги мониторинги	Сўровнома	Йилига 2 марта	ЖК, ННТ

**3-ЙЎНАЛИШ. МАҲАЛЛА ТИЗИМИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТАДБИРЛАРИ**

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
1	Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар мониторинги	Сайёр мониторинг	Ҳар чорак	ЖК, Маҳалла бошқармаси

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
2	“Маҳалла муаммолари” эшитувлари	Очиқ мулоқот	Ҳар чорак	ЖК, ҳокимликлар
3	Камбағаллик дастурлари мониторинги	Ҳужжат ва жойига чиқиб таҳлил	Ҳар ярим йил	ЖК, Иқтисод бошқармаси

4-ЙЎНАЛИШ. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
1	Ёшлар бандлиги мониторинги	Сўров ва таҳлил	Ҳар чорак	ЖК, Ёшлар агентлиги
2	Хотин-қизлар бандлиги эшитуви	Жамоатчилик эшитуви	Йилига 1 марта	ЖК, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
3	Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси мониторинги	Мониторинг	Ҳар ярим йил	ЖК, ИИБ

5-ЙЎНАЛИШ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
1	Бирламчи тиббий хизматлар бўйича мониторинг	Жойига чиқиб ўрганиш	Ҳар ярим йил	ЖК, ССБ
2	Ногиронлиги бўлган шахслар хизматлари мониторинги	Мониторинг	Йилига 1 марта	ЖК

6-ЙЎНАЛИШ. ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
1	Экологик ҳолат бўйича жамоатчилик мониторинги	Сайёр мониторинг	Ҳар чорак	ЖК, Экология бошқармаси
2	Санитар ҳолат бўйича жамоатчилик эшитуви	Эшитув	Йилига 1 марта	ЖК

7-ЙЎНАЛИШ. ОЧИҚЛИК ВА РАҚАМЛИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

№	Чора-тадбир	Шакли	Муддати	Масъул
1	Давлат хизматлари очиқлиги мониторинги	Онлайн мониторинг	Ҳар чорак	ЖК, Рақамлаштириш бошқармаси
2	Очиқ бюджет муҳокамалари	Жамоатчилик муҳокамаси	Йилига 2 марта	ЖК, Молия бошқармаси

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМИ

Ҳисобот бериш:

Ҳар чорак — вилоят ҳокимлигига

Ҳар ярим йил — Халқ депутатлари вилоят Кенгашига

Йил якуни — республика даражасига

НАТИЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ (ЖК УЧУН)

Ўтказилган эшитувлар сони

Мониторинг қамрови (%)

Амалга ошган тавсиялар улуши

Аҳоли мурожаатлари ҳал этилган улуши

Натижа ва самарадорлик